O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MATBUOT PALATASI
INV.№

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 12-aprel, chorshanba, 15 (345)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

САХИФАЛАРНИ ВАРАКЛАГАНДА

КЎККА СОВУРИЛАЁТГАН ПУЛЛАР

Бир тасаввур қилиб кўринг, бебаҳо бойлигимиз бўлган табиий газнинг 30-40 фоизи шаҳар ва қишлоқлардаги хонадонларга етиб боргунича қувурларнинг эскириб қолиши, чириши, жўмракларнинг ва ГРПларнинг носозлиги туфайли ҳавога учиб кетмоқда.

3-бет

АЁЛЛАР ТАНАСИДА ҚАНЧА ОЛТИН БОР?

Олимларнинг аниқлашича, аёлларнинг организмида эркаклар организмига қараганда 6 марта олтин миқдори кўп экан.

4-бет

МАҚСАДИМИЗ МУШТАРАК

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси билан ЎзМТДП ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида шартнома имзоланди

Зинапоялардан кўтарилиб Ўзбек Миллий академик драма театрининг муҳташам биносига кириб борар экансиз, унинг салобатини сезасиз. Қадамларингиз секинлашади. Театр — муқаддас даргоҳ. Бу санъат кошонаси юксак истеъдод соҳиблари, санъат дарғаларининг умрбоқий ҳайкалига ўхшайди. 1929 йилда у ўзбек давлат драма театри номини олди. Ўша пайтда Маннон Уйғур театр жамоасига раҳбарлик қиларди. Республиканинг энг иқтидорли ижодий кучларини бирлаштирган жамоа тез кунда Ўзбекистон театр маданиятининг марказига айланди. Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Ғани Аъзамов сингари ўнлаб театр дарғалари умрининг энг гўзал лаҳзаларини шу ерда ўтказган. Минглаб томошабинларнинг нигоҳи, гулдурос қарсаклари оғушида давр ва замон силсиласидан ўтиб ҳозиргача ўзининг шуҳратини ўрнида сақлаб келаётган театр ва унинг жамоасига ҳавас қилсангиз арзийди.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларга эътибор берилиши баробарида театр жамоасининг кўп йиллик орзуси ушалди. Юртбошимизнинг ташаббуси ва эътибори билан бу санъат даргоҳига Миллий театр номи берилди ва бино бутунлай янгича, замонавий кўринишга келтирилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг дастурида ҳам миллий санъатимизнинг тарихи ва бугунига эътибор қаратиш ҳақида гапирилади. Азалдан миллатнинг энг илғор ва пешқадам вакиллари зиёлилар деб қаралган. ЎзМТДП Марказий кенгаши ташаббуси билан театр жамоаси ўртасида мустаҳкам алоқаларнинг ўрнатилиши тарихий воқеа бўлди. Шу куни имзоланган ҳужжатни партиямиз аъзоларининг фикри билан театр жамоасининг орзу-истакларини боғлаб турувчи кўприк, десак муболаға бўлмайди.

— Ҳар иккала жамоанинг номи ҳам миллий сўзи билан бошланди, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов.— Театр жамоаси билан мақсадларимиз муштарак бўлгани учун бугунги тадбир эзгу ниятларимизнинг бошланиши десак хато бўлмайди. Бугун жуда муҳим тарихий ҳужжатни имзолаяпмиз. Буни қарангки, бугунги спектакл муаллифи Наби Қодиров ҳам партиямиз аъзоси. Шундан кўриниб турибдики, албатта, яқин келажакда ўйлаган режаларимизни амалга оширишга имкон яралади.

Тадбир аввалида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов Ўзбек Миллий академик драма театри раҳбари Ёқуб Аҳмедов билан театр жамоаси билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида тузилган қўшма баёнотни имзоладилар.

Шундан сўнг йиғилганлар Наби Қодиров қаламига мансуб «Уч қунлик дунё» асарини томоша қилишга таклиф этилдилар. Асарни режиссёр Марат Азимов саҳналаштирган. Ролларни Эркин Комилов, Гулчеҳра Иброҳимбекова, Фатҳулла Маъсудов сингари таниқли актёрлар ижро этишди. Спектакл йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шу куни Миллий театрда ташкил этилган тадбирда ЎзМТДП вилоят кенгашларининг фаол аъзолари иштирок этишди. Зални тўлдириб ўтирган томошабинларнинг спектаклдан кейинги гулдурос қарсакларидан бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш ҳар иккала томон учун ҳам фойдали эканлигини сездик.

Ўз мухбиримиз

ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ — ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК

— Тинчлик ва осойишталикнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Юртнинг тинчлиги, ободлиги ва фаровонлигини таъминлашда маҳалланинг ўрни беқиёс, — дейди Фарғона вилояти Бешариқ шаҳридаги «Тошариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шукуржон Алиев. — Маҳалланинг нуронийлари тез-тез йиғилиб, суҳбатлашиб турамиз. Маҳалладаги ҳар бир ёшнинг келажаги — юрт келажаги, уларнинг ҳар бир иши назаримизда. Бир болага етти қўшни ота-она, деб бежизга айтмаган халқимиз.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши ташаббуси билан Наманган шаҳридаги «Мустақилликнинг 5 йиллиги» маҳалла фуқаролар йиғинида 31 март жума куни «Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдни олиш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилояти Қўшкўпир туман кенгаши ташаббуси билан 31 март жума куни 26-сонли мактабда «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Самарқанд вилояти Нарпай туманида 3 апрел душанба куни «Халқ ваколати — юксак масъулият» мавзуида депутатлар билан учрашув бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Андижон вилояти Избоскан туман кенгашида 3 апрел душанба куни «Андижон фарзанди иккинчи бор жаҳон чемпионидир» номли тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Фарғона давлат университети 4-сонли талабалар уйида 4 апрел сешанба куни партиянинг вилоят кенгаши фаоллари иштирокида «Сиёсий партия ва ёшлар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Қарши туман кенгашида 4 апрел сешанба «Амир Темур — буюк давлат арбоби» мавзуида адабий кеча ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши ташаббускорлигида 4 апрел сешанба куни Сирдарё шаҳридаги истироҳат боғида «Аёл билан олам мунаввар» номли адабий-маърифий тадбир ўтказилди.

* * *

Тошкент шаҳар Ҳамза туман партия кенгаши томонидан 4 апрел сешанба куни «Савобнинг умри боқий» номли тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан Фарғона давлат университетида 5 апрел чоршанба куни «Ўзбек давлатчилиги тарихи» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Тошкент вилояти Пскент туман кенгашида 6 апрел пайшанба куни «Устоз — отангдек улуғ» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

БУНЁД ЭТСАНГ МУРУВВАТДАН КОШОНА, УНИ ҲЕЧ КИМ ҚИЛА ОЛМАС ВАЙРОНА

Қуръони каримнинг «Бақара» сурасида «Сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қилинглар», дейилган муқаддас сатрлар бор. Мен учун жигардек бўлиб қолган, ўн саккиз йил ҳаётда ҳам, журналистик фаолиятларимда ҳам маслаҳатлари-ю йўл-йўриқларини аямай меҳрибонлик қилган, шеърият илмининг бетакрор юлдузи Муҳаммад Юсуф (илоҳо жойлари жаннатда бўлсин) бир гал Қувага борганимизда, шундай деганди: «Қувада бир нодир шоир бор, номлари Шокиржон Ҳакимий. Бир умр тўшакка михланиб қолса-да, шеърлар ёзиб, элга танилган Шокиржон аканинг Ҳурматилло исмли укаси эса ниҳоятда ажойиб инсон. У киши ҳақида нафақат мақола, китоб ёзсанг арзийди».

Шоир баҳонасида Ҳурматилло ака билан ҳам қадрдонлашиб олгандик. Ҳурматилло акани водийда «тақсир» деб аташади. Унинг очиқ юзи, чиройли табассуми истарасининг иссиқлиги, дили пок инсонлигини айтиб туради. Ота-боболари-ю бутун шажараси ҳидоят йўлини танлаган покиза авлодданлар. Ҳар гал шундай инсонлар ҳузурида бўлганимда ва улар ҳақида нимадир ёзсам, журналистика касбини танлаганим учун яратганга шукурлар қиламан. Ўз тирикчилигини ўзи кўриши қийин бўлган кишиларга эҳсон қилишни умрининг мазмуни, деб билгувчи Ҳурматилло акадек қаҳрамонларим борлигидан фахрланиб юраман. Муҳтожларга фазлу карам қилишдан баҳра олувчи, ораси бузилган кишиларни яраштириб қўювчи, ҳақсизликни сабр билан, қийинчиликни чидам ва меҳнат билан енгишга одатланган Ҳурматилло акадек одамлар бор. Халқимиз қадим-қадимдан бундайларни Аллоҳ берган — инсон деб таърифлашади. У ҳаёти давомида юзлаб сағирларга отадек меҳрибонлик билан суннат тўйлари қилиб берган. Тўй куни бир сидра уст-бош кийдирган. Уларнинг номига ҳисоб рақамлари очиб, маблағ кўчирган. Неча-неча ўнлаб ночорларга никоҳ тўйи ўтказиб, келин-куёв сарполарни ҳадя этган. Боқувчисини йўқотган қарияларга юбилей тўйлари қилиб берган.

Ҳа, бундай саховатпеша инсонлар нима топса, баракаси билан топаётир. Босган қадамидан гуллар очилаётир. Қаерга борса, қайси корхонада ишласа, ўша жойга барокат ёғилаётир.

Ахир улар «мол-дунёларини яширин ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар учун парвардигор ҳузурида улуғ ажр бор», деган Қуръони карим сатрларини дилларига жо қилган табаррук кишилардир.



«Оқ олтин» фермер хўжалиги раҳбари Ҳурматилло Хакимов

— Ҳаётда жуда кўп фазилатларни устозим, раҳматли Иброҳим Каримовдан ўрганганман, шундай инсоннинг назарига тушганим менинг бахтим, — дейди Кува туманидаги «Оқ олтин» фермер хўжалиги раҳбари Ҳурматилло Ҳакимов. — Устозим ҳам ярим асрдан ортиқ раҳбарлик фаолияти давомида санаб адоғига етолмайдиган даражада одамларга яхшилик амалларини қилган. Иброҳим акани муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримовга, Президентимизнинг Иброҳим Каримовга ҳурматлари баландлигини гувоҳи бўлганмиз. Мана, ҳозир устоз номидаги равон кўча бор. Ундан яхшилик кўрганлар уни доимо эслашади. Инсон учун бундан-да ортиқ бахт борми! Биздан ҳам шундай ном қолса, деган умид билан оворамиз. Не-не амалдорлар, не-не бойлар дунё ҳаётини сотиб олгандилар, харомни ҳалолдан афзал билиб, номидан баланд иморатлар қургандилар. Уларни бугун ким эслаётир? Ундайларнинг номидан нишон борми? Демак, киши ҳаётлиги чоғида эзгулик амалларини кўпроқ қилсагина унинг номи яшайверар экан.

Ҳурматилло аканинг ўзига хос ҳаётий фалсафаси бор: «Яхшилик қил, яхшилик қил ва яна яхшилик қил».

Тақсиримиз фермер бўлгач, эҳсонини яна ҳам кучайтириб юбордилар. Мана, олти йилдирки, ҳар доим, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ғалла-ю пахта режаларини ортиғи билан уддалаб келаётир, ўн миллион сўмлаб соф фойда олаётир. Фойданинг эллик фоизи ҳомийликка сарф қилинса, қирқ фоизи фермер хўжалигида ишлаётганларга, қолган ўндан бири эса ўз эҳтиёжларига.

Ўтган йили 63 гектарга пахта экиб, йиллик режа 110 фоизга бажарилган бўлса, олинган соф фойданинг 5 миллион 200 минг сўми мукофот қилиб берилди. 50 гектар ғалладан 56 центнердан ҳосил олинди. Хўжалик аъзоларига 46 тонна буғдой бепул тарқатилди, 26 тоннаси эса арзон нархларда аъзоларга сотилди.

Бугун «Оқ олтин» фермер хўжалиги далаларида иш қизғин. Ҳадемай бошоқ олиш арафасида турган буғдойзорларга қараб кўз тўймайди. Буғдойзорларга не-не эҳтиёжманд инсонларнинг ризқи сочилганини Ҳурматилло ака нигоҳидаги меҳрдан пайқаб олиш қийин эмас.

Куни кеча маҳалла оқсоқолларига дастурхон ёзилди. Чигит экиш баҳонасида қўллари меҳнатда қадоқ бўлган, ёшлик ғайратлари далаларда қолиб кетган нафақадаги қариялар меҳмон қилинди. Дуо олинди. Бу каби тадбирлар йилда уч-тўрт марта бўлади.

Фермер хўжалигининг шийпонида бўлганларнинг баҳри-дили очилади. У ердаги покизалик, саранжом-саришталик, яратилган шарт-шароитлар, танлаб экилган мевали ва манзарали дарахтлару гулзорларнинг ўзиёқ Ҳурматилло аканинг қандай дид соҳиби эканини айтиб туради.

Элини суйганни эли кўкка кўтаради. Ерини қадрлаганни ери ардоқлайди. Бирини берганга Аллоҳ ўнини беради. Ҳурматилло аканинг ҳаёти ва фаолиятининг ўзи эҳсони кучли инсонлар ҳеч қачон хор-зорлик кўрмаслигини, аксинча, бахтиёрликда умргузаронлик қилишлигини яққол кўрсатиб турибди.

— Яқинда Президентимизнинг қишлоқ туманларидаги ночор оилалар бир бошдан сигир бериш тўғрисидаги қарори айни муддао бўлди, — дейди у. — Сигир дегани сут, қатиқ, қаймоқ ўзингдан дегани. Яхши парваришласанг, бузоқ ҳам беради. Ахир бу битта оилани оёққа туриб олиши учун жуда катта имконият-ку! Шу қарор ижроси йўлида биз ҳам қараб турмаймиз, ҳомийлик қиламиз.

Хайрли ишлар тадбирини қила билган сиздек инсонлар ҳамиша бор бўлсин, Ҳурматилло ака!

Расулуллоҳ салоллоҳу алайҳи вассаламнинг ўзлари дарвешона ҳаёт кечирсалар-да, эҳсонлари шоҳларникидан аъло эди.

Имом Термизий

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

МАБЛАҒ БОР, ВАЗИФАЛАР АНИҚ

Яқинда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, ҳудудий партия кенгашлари раислари, уларнинг ўринбосарлари ва бош ҳисобчилари ҳамда партия фаоллари иштирок этдилар.

Йиғилишни кириш сўзи билан очган Марказий кенгаш раиси Хуршид Дўстмуҳамедов мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси хусусида Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йилнинг якунлари юзасидан қилган маърузаси ва Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар борасида мухтасар сўзлаб, шундай фикр билдирди: Партия фаолиятида 2005 йил бир қатор ибратли ишлар амалга оширилган йил бўлди. Ҳудудий кенгашларда қатор маърифий, маданий тадбирлар ва ҳомийлик ишларини олиб боришга эътибор қаратилди. Навоий вилояти кенгаши раиси И.Муҳамадиев Навоий шаҳридаги 10-сонли болалар боғчасига компьютер жамланмаси, Наманган вилояти кенгаши фаоллари муборак Ҳайит байрами кунлари «Атагангузар» ва «Мустақиллик 5 йиллиги» маҳаллаларининг 130 дан ортиқ оилаларига 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатдилар. Шунингдек, 2006 йил Наврўз кунларида «Жўрабек» дорихонаси томонидан Янгийўл шаҳридаги кам таъминланган оилаларнинг 120 нафар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб берилди. Маҳаллалардаги 1000 нафар кишиларга дастурхон ёзиб, 8 миллион сўмлик дори-дармонлар билан ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Жойларда «Мустақиллик — олий неъмат», «Зиёлиларга эҳтиром», «Тил — маънавият кўзгуси», «Ҳуқуқий демократик давлат — халқимизнинг эртанги куни» мавзуида тадбирлар ўтказилди.

Марказий кенгаш томонидан ишлаб чиқилган режа асосида депутатлар гуруҳлари ва ҳудудий партия кенгашлари томонидан ўқув-семинарлар, тренинглар ўтказилди. Фракция аъзолари партиямиз фаоллари билан ҳамкорликда партиянинг янги Дастури устида иш олиб бордилар. Жумладан, партиянинг янги рамзи яратилди.

Юридик фанлари доктори, профессор, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси Лола Саидова «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган партия олдидаги вазифалар» тўғрисида маъруза қилди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси етакчи мутахассиси Абдусамат Химматов «2005 йилда сиёсий партиялар томонидан давлат бюджети маблағларининг мақсадли ишлатилиши якунлари» юзасидан йиғилганларга ахборот берди.

Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари Гулбаҳор Орипованинг «Давлат бюджети маблағларининг мақсадли ишлатилиши: таклифлар, йўл-йўриқлар» борасидаги нутқидан сўнг баҳс-мунозара бошланди.

Йиғилиш иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари асосида тегишли қарорлар қабул қилинди ва вазифалар юкланди.

Ўз мухбиримиз

КИМ НИМА ДЕДИ?

Миллий тикланишнинг номи одамни ўзига жалб қилади, куч-қудрат бағишлайди.

Абдуғани СУЛАЙМОН,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Маърифат" ва "Миллий тикланиш" газеталари ҳамкорлигида ўтказиладиган таълим бошқа (ўзбек тилидан бошқа) тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини

"ДАВЛАТ ТИЛИ – ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ"

Иншолар танловига таклиф этади!

Ўзбек тилидек бой ва жозибадор тил Ватанимиз мустақиллиги йилларида том маънода қайта туғилди. Она тилимиз дунё миқёсидаги нуфузли ва мўътабар минбарларда янграмоқда.

Олис хориж диёрларидан ташриф буюрган ажнабий меҳмонларнинг соф ўзбек тилида сўзлаши эндиликда оддий ҳолга айланмоқда. Эътиборлиси шундаки, юртимизда истиқомат қилаётган турфа миллатга мансуб ватандошларимиз ҳам ўзбек тилини она тилидек севишади, ардоқлашади.

Ўзига хос ижодий мубоҳасага айланажак ушбу танловдан кўзланган бош мақсад — давлат тилимизга бўлган ана шу ҳурмат ва эҳтиром туйғусини янада кучайтириш, ўзбек тилини давлат тили, иккинчи она тили сифатида эъзозловчи бошқа миллат ёшларининг ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбия топишларига кўмаклашишдир!

Танлов шартларини эслатамиз:

Давлат тилига бўлган ҳурматингизни қандай изоҳлайсиз?
Ўзбек тилининг жозибасини қандай тасаввур қиласиз?
Фикр-мулоҳазаларингизни нечоғли эмин-эркин, жонли ва таъсирчан мисолларда баён эта оласиз?
Имло хатоларига йўл қўймайсизми?

Ижодий танловнинг 3 нафар ғолиб ва совриндорларини қимматбаҳо эсдалик совғалари кутмоқда.

Танлов ғолиблари 2006 йил 21 октябр – тил байрами куни эълон қилинади.

Мурожаат учун манзил: ***Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.***

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги – 139-42-14, 139-16-30; ЎзМТДП Марказий кенгаши – 144-81-28, 144-83-05; "Маърифат" газетаси – 133-50-55, 133-33-38; "Миллий тикланиш" газетаси – 133-67-51, 136-58-73, 136-58-80.

Миллий тиклани — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH

ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён соғлом авлодни шакллантириш ишлари кенг йўлга қўйилмоқда. Ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етиши учун етарли шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда. Давлатимиз томонидан мазкур масала юзасидан бир қатор ҳужжатлар қабул қилинаётгани ҳам бу эътиборнинг яққол намунасидир.

Бу ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида Сирдарё вилояти адлия бошқармаси Мирзаобод туман Фуқаролик ҳолатларига далолатнома ёзиш бўлими томонидан ҳам аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган. Соғлом авлодни вояга етказиш, туғилажак фарзандларнинг соғломлиги масалаларига бағишлаб Мирзаобод туман соғлиқни сақлаш бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда тумандаги 17 та маҳалла, 32 та мактаб ва коллежда бир қатор тадбирлар, йиғилишлар ўтказиб келинмоқда.

Яқинда тумандаги Р.Мухамедов номидаги 21-ўрта мактабда бўлиб ўтган туман хотин-қизлар қўмитаси ва ФҲДЁ бўлими томонидан ўтказилган тадбирда тумандаги диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, соғлиқни сақлаш ходимлари, фаол хотин-қизлар иштирок этдилар. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 365-сонли қарори муҳокама қилинди.

Бу қарорнинг қабул қилиниши кўнглимиздаги иш бўлди. Сабаби, ёш оилалар ўртасида ажримлар сонининг камайишида ҳам унинг ўрни бор. Энг асосийси, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиши ҳар икки ёш учун ҳам фойдали. Улардан соғлом фарзандлар туғилиши, келажак авлоднинг саломатлиги мустаҳкам бўлишида ҳам бу қарорнинг аҳамияти катта.

Тадбирда туман хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш ходимлари сўзга чиқиб, йиғилганларга оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини яхшилаш, никоҳдан ўтаётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг аҳамияти ҳақида зарур йўл-йўриқ ва тушунчалар бердилар.

Оила — муқаддас даргоҳ. Соғлом авлодни вояга етказишда оилаларнинг тинчлиги, мустаҳкамлиги катта аҳамиятга эга. Шунга кўра, Мирзаобод туман ФҲДЁ бўлимида бу масалаларга бағишланган суҳбатлар, йиғилишларни тумандаги барча маҳаллаларда, ўқув юртларида ўтказишни режалаштирган.

Дилбар НАБИЕВА,
Мирзаобод туман ФҲДЁ бўлими мудири вазифасини бажарувчи
Эътибор ҲАЛИМОВА,
бўлим нозири

НАФИС САНЪАТ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат мактаб-лицейи. Бу ўқув даргоҳининг таърифи нафақат бутун республикамизга, балки халқаро алоқалар яхши йўлга қўйилаётгани боис Япония, Ҳиндистон сингари давлатларга ҳам етиб борган. Лицейнинг минглаб қалдирғочлари олий ўқув юртларига ўқишга кириб, бугунги кунда турли соҳаларда меҳнат қилиб келишмоқда.

Лицей ўқув биносига кириб борар эканмиз, бинонинг ёнгинасидаги спорт майдончаси байрамона безатилганини кўрдик. Ўқув маскани жамоаси баҳор байрамига катта тайёргарлик кўришган экан. Ўқувчилар, ўқитувчи ва мураббийлар, меҳмонлар байрам дастурхонига таклиф этилдилар. Баҳорий неъматлардан тайёрланган таомлар, катта дошқозонда пиширилган сумалак, байрам палови дастурхонга тортилди. Байрам сайлида ўқувчилар иштирокида «Миллий дастурхон», «Миллий либослар» танлови бўлиб ўтди. Айниқса, варрак учирувчиларнинг беллашуви қизиқарли ўтди.

Байрам тадбирида таниқли ёзувчи, шоирлар, хонандалар меҳмон бўлиб, дил сўзларини айтишди. Тантанада қатнашган Ўзбекистон Қаҳрамони, Республика Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов лицей жамоасининг келгуси ишларига муваффақиятлар тилади ва янги шеърларидан ўқиб берди. Лицей ўқувчиларининг бадиий чиқишлари, қўшиқ ва рақслари йиғилганларга манзур бўлди. «Ёш спортчилар» тўгараги аъзоларининг чиқишлари ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Фурсатдан фойдаланиб лицей ҳаёти билан яқиндан танишдик.

— Ўқув даргоҳимизда 1350 нафар ўқувчи-талаба тарбия оляпти,— деди биз билан суҳбатда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Ортиқ Жуманиёзов.— Уларга 127 нафар ўқитувчилар таълим-тарбия бериб келишмоқда. Лицейимизда қалблари ижод қилиш иштиёқида ёнаётган, нозик табиатли, атрофдаги воқеаларга таъсирчанлик билан қарайдиган ёшлар сабоқ олишади. Биз — муаллимлар таълим бериш жараёнида ана шу нарсага алоҳида эътибор берамиз. Ўқувчиларимиз бугунги кунда 6 та, яъни тасвирий санъат, суҳандонлик, тарих-ҳуқуқ, иқтисод, инглиз тили, она тили ва адабиёт йўналишлари бўйича таълим олмоқдалар. Санъатшунослик фанига ихтисослаштирилган йўналиш кенгайтирилиб, тасвирий санъат йўналиши билан бир қаторда бадиий миниатюра ва ҳайкалтарошлик соҳалари ҳам ўқитиладиган бўлди. Бу йўналиш бўйича ўтган ўқув йили якунида 8 нафар ўқувчиларимиз олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинди. «Шанкар» халқаро болалар ташкилоти томонидан 5 нафар ўқувчимиз кумуш медалини олишган бўлса, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти томонидан ўтказилган танловда 7 нафар ўқувчиларимиз диплом соҳиби бўлишди.

Лицейга ўқитувчилар бир йил шартнома асосида ишга олинади, ҳар ўқув йили якунида ўқувчилар билан биргаликда уларнинг билими ҳам тест синовлари асосида синовдан ўтказиб борилади. Шунинг учун бўлса керак, ҳар йили битирувчиларининг 80-85 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга киришмоқда.

— Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишига ҳам яхши эътибор берганмиз,— дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Зиёда Ҳайдарова.— Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда уларнинг спортга, фанларга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида мажмуамизда спорт тўгаракларидан ташқари мусиқага қизиқувчилар учун «Рақс», «Театр труппаси», «Дутор», «Фортепиано», «Ўлкашунослик ва туризм», «Тарихни ўрганамиз» тўгараклари иш олиб бормоқда. 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб Японияннинг «Жайка» кўнгиллилар жамияти билан ҳамкорликда япон тили ўқитилиши йўлга қўйилди. Муаллима Сато Мегуми раҳбарлигида «Япония — куёшли диёр» танловида қатнашган ўқувчиларимиз 2-ўрин соҳиби бўлишди.

Бу ўқув даргоҳи севимли шоир ва адиблар, ижодкорларнинг иккинчи уйидек бўлиб қолган. Шоирлардан Саъдулла Ҳаким, журналист Шуҳрат Жабборов ва бошқа яна бир қанча ижодкорлар бу ерга тез–тез келиб, ўқувчиларимиз билан ҳамсуҳбат бўлиб туришади. Лицейдаги «Ёш ижодкорлар» тўгарагини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, «Тарихни ўрганамиз» тўгарагини эса журналист Қобилбек Каримбековлар бошқариб келишмоқда. География фанига қизиқувчи ўқувчилар учун «Кичик академия» ташкил этилган, кейинги йилларда география фани бўйича халқаро туризм йўналишини ҳамда математика, химия йўналишларини ҳам ташкил этиш режамизда бор.

Лицейда тиббий бўлим ҳам ишлаб турибди. Лицейда ташкил этилган жамоатчилик кафедраси ташаббуси билан таниқли олимлар, ёзувчилар иштирокида турли мавзуларда давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар ҳамда адабий кечалар ўтказиб келинмоқда. Бир сўз билан айтганда, лицейнинг ўқитувчилар жамоаси билим чўққилари сари интилиб бораётган ўғил-қизларга сабоқ беришда ўзига хос йўлдан бормоқда.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА

ЭРТАКЛАРДА МАТЕМАТИКА

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда етти оға - ини яшаб ўтган экан... Эътибор қилган бўлсангиз, болалигимизда кўпчилигимиз севиб ўқиган эртак ва достонлар худди шундай жумлалар билан бошланар эди. Асосан ҳалқ оғзаки ижодиётига мансуб бўлган турли эртакларни ўқиганимизда аввало ундаги салбий ва ижобий қаҳрамонларга дуч келамиз. Мутолаа давомида эса улар билан шунчалик яқин бўлиб кетганмиз-ки, ундаги ижобий қаҳрамонларнинг дардларига шерик бўлиб, улар қувонса қувонгимиз, йиғласа йиғлагимиз келган бўлса ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам яхшилик ва эзулик тимсолларининг ғалаба қозонишини чин кўнгилдан истаганимиз сир эмас. Бир сўз билан айтганда болалик шундай бир сеҳрли оламки, унинг шоҳи ҳам султони ҳам болалардир. Эртаклар эса инсон қалбида эзгулик туйғуларининг шаклланишига хизмат қилади.

Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда,
Кўп эртак эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим....

Дарҳақиқат, эртаклар яхшиликка етаклар. Яқинда муаллиф Умид Исмоиловнинг "Эртакларда математика" деб номланган китобига кўзим тушди-ю, болалик хотираларим жонлангандек бўлди. Зеро, ушбу тўпламда болаларнинг тафаккур доирасини кенгайтирадиган, турли-туман воқеаларга бой ва саргузашт ҳодисалар асосида ўзида яхшилик, инсонийлик фазилатларини сингдирган турли хил жумбоқлардан ташкил топган эртакларнинг борлиги таҳсинга сазовордир. Шунингдек, ушбу тўплам турли журнал ва қизиқарли китоблардан фойдаланиш натижасида тўпланган ҳамда муаллифнинг кўп йиллик иш тажрибаси маҳсули бўлиб, ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатувчи қўлланмадир. Бир сўз билан айтганда, "Эртакларда математика" китоби келажагимиз эгалари бўлган болалар учун ажойиб совға десак, муболаға бўлмас.

Назира БОЙМУРОДОВА

МУСАВВИР НИГОҲИДА КЎКЛАМ

Республика Бадиий академияси кўргазмалар залида «Наврўз - 2006» рассомлар кўргазмаси ташкил этилди.

Гўзал юртимизнинг ҳар фасли ўзига хос ҳусну тароватга эга. Баҳор фаслига бағишлаб ташкил этилган рассомлар кўргазмаси юртдошларимизнинг мўйқалам сеҳри орқали кўклам жамолини бўй-басти билан томоша қилиб, завқ олишларига катта имкон яратди. Кўргазмада Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши аъзолари, партия фаолларидан бир гуруҳи иштирок этишди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Х.Дўстмуҳамедов тадбир аввалида сўзга чиқиб, кўргазма иштирокчиларини баҳор шодиёнаси билан табриклади. Шундан сўнг йиғилганлар кўргазма билан танишишди.

Меҳмонлар баҳорий кайфиятда яратилган асарларни томоша қилиш билан бирга Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков билан учрашиб, яқиндан суҳбатда бўлишди. Рассом томошабинларнинг саволларига жавоб берар экан, кўргазмага қўйилган асарларининг ички дунёсини сўзлар орқали очиб беришга ҳаракат қилди. Йиғилганлар зумрад фасл сурурини мусаввирлар нигоҳи орқали кўриш бахтига муяссар бўлишди. Ҳар бир рассом ўз назари билан табиатдаги ва инсон кўнглидаги ўзгаришларга муносабатини изҳор этган эди. Мусаввирлар ва томошабинлар орасида И.Мансуровнинг «Баҳор», А.Икромжоновнинг «Наво» асарлари ва «Чарбоғ баҳори», «Анҳор атрофларида» каби асарлар катта қизиқиш уйғотди. Зўр иштиёқ билан ишланган суратлар ҳақида мусаввирларнинг фикри ҳам тингланди. Кўргазманинг яна бир афзал томони, рассом билан томошабин орасидаги деворнинг йўқлиги бўлди.

— «Наврўз - 2006» кўргазмаси 1990 йилдан буён анъанавий равишда ўтказиб келинмоқда,— дейди биз билан суҳбатда учрашувнинг асосий ташкилотчиларидан бўлган ЎзМТДП Марказий кенгаши котиби, санъат абоби Ортиқали Қозоқов.— Ҳар йили бу кўргазмада баҳор байрамига бағишланган асарларим билан қатнашиб келаман. Улар орасида «Наврўз», «Янги кун», «Наврўз соғинчи», «Баҳор нафаси» сингари туркум ишларим бор. Бу йил «Архидея ифори» ҳамда «Келин хаёли» номли асарларим билан қатнашяпман. Суратларда оқ ранглардан кўпроқ фойдаланганман, сабаби, ранглар орқали фалсафий мушоҳадаларни беришга ҳаракат қилдим. Тириклик рамзи сифатида олмани келтирган бўлсам, архидея гули орқали ҳар бир гўзаллик инсон қалбидан бошланади, деган маънони бермоқчи бўлдим. Наврўз фақатгина табиат учун янгиланиш, яшариш байрами эмас, инсон кўнгли учун ҳам янгиланиш фаслидир. Кўргазмада кўзга кўринган иқтидорли рассомлар иштирок этишмоқда. Кўргазманинг менга ёққан томони — унда ҳар йили ижодкорларнинг ўтган бир йил давомида ишлаган асарлари билан иштирок этиши анъанага айланган.

Кўргазмага қўйилган асарларни томоша қилар эканмиз, уларда юртимиз жамоли, узоқ қишлоқларда баҳор байрамининг нишонланиши, миллийлик нафасини сезасиз. Ҳар бир сурат кўнглингизга йўл топиб, баҳорни, табиатни шунчаки севиш эмас, уни эъзозлаш, асраб-авайлашга ундайди.

Учрашув сўнгида ЎзМТДП Марказий кенгаши томонидан рассомларга эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

• Таклифим бор

КЎККА СОВУРИЛАЁТГАН ПУЛЛАР

Юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви каби табиий ресурсларимизнинг хўжасизлик оқибатида исроф бўлаётганини айтсам тилим, айтмасам дилим оғрийди. Кўпгина иллатларга доялик қилаётган хўжасизлик муҳити иқтисодиётимиз томирига болта урмоқда. Бу ҳақда ким ўйлайди?

«Ҳар қандай исрофгарчиликнинг ҳам уволи бор»,— дейди доно халқимиз. Назаримда, бу иллат юртимиз иқтисоди, тараққиёти, маданияти йўлидаги кўзга кўринмас душманга ўхшайди. Хўжасизлик эгасизлик деганидир. Табиий бойликларимиз ҳар қанча кўп бўлса ҳам уларни тежаб эмас, исроф билан ишлатсак, эртага эмас, бугуннинг ўзидаёқ қоқиламиз, янглишамиз, шундай бўляпти ҳам.

Украинада бўлганимда электр энергияси, табиий газнинг бир мисқоли ҳам бекорга исроф қилинмаслигини кўрганман. Масалан, замонавий услубда қурилган шахсий уйлар мамлакатнинг ер майдони кенглигига қарамай, ихчамгина, кўп қаватли қилиб қурилаётгани ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир. Ҳар томонлама тежамкорликка асосланган бундай иш режимидан ўрнак олсак арзийди. Бир ўйлаб кўринг, ўша уйлар ер майдонини кам эгаллайди.

Бошқа қурилиш материаллари қаторида шифер ҳам камроқ ишлатилади. Энг асосийси, биз учун тааллуқлиси, табиий иссиқлик — ёруғлик манбаи қуёшнинг нури ҳам ҳисобга олинар, ҳаттоки, печканинг мўрисидан чиқаётган иссиқлик ҳам бекорга кўкка учиб кетмас экан.

Кузатувларим давомида шундай хулосага келдимки, юртимизда 40-50 фоиз энергия лоқайдлигимиз туфайли исроф бўлаётган экан. Кўравериб кўзимиз ўрганиб қолганидан бундай йўқотишларни пайқамаймиз ҳам. Бу соҳани чуқурроқ тушунганлигим учун «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман» деган гап ёдимга тушиб, кўкка соврилаётган миллий бойликларимизга ачинаман. Лоқайдлигимиз туфайли улардан бебаҳра қолаётган юртимиз иқтисодиётига назар солиб, билганга қийин, деб қўяман ўзимга.

Бир тасаввур қилиб кўринг, соф валютамиз — бебаҳо бойлигимиз бўлган табиий газнинг 30-40 фоизи шаҳар ва қишлоқлардаги хонадонларга етиб боргунича қувурларнинг эскириб қолиши, чириши, жўмракларнинг ва ГРПларнинг носозлиги туфайли ҳавога учиб кетмоқда. Хонадонларга етгач эса истеъмолчиларнинг беқунтлиги, эринчоқлиги сабабли ҳамда газ печлари, иситиш қозонларида газнинг чала ёниши туфайли 10-12 фоиз табиий энергия исроф бўлмоқда.

Оқибатда табиий газ тизимида етишмовчиликлар пайдо бўлиб, юртимиз бўйлаб ҳар ўнта қишлоқдан уч-тўрттасида газ босими пасаяди, айниқса, қишки мавсумда қийинчиликлар, аҳолининг норозигарчиликлари юзага келади. Табиий газ етарли бўлса, жонимизга оро киради, уйимиз иссиқ, кўнглимиз хотиржам бўлади. Аксинча бўлсачи, унда шамоллаш касалликлари кўпаяди, ноқулайликлар юзага келади. Қишдан «омон чиқиш» мақсадида кўплаб оилаларда арзон олов бўлмагач, электр энергиясидан яширинча, яъни қўлбола иситгичлар ёрдамида фойдаланиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бундай иситгичлар давлатнинг электр энергияси манбаи учун ҳам, фойдаланувчилар учун ҳам анча қимматга тушади. Ўтин сотиб олиб ёки қишлоқ жойларда кўп йиллик дарахтларни кесиб, баъзида ноиложликдан ҳовлисидаги мевали дарахтларни кесиб ёқаётганлар ҳам бор. Дарахтларнинг кесилиб кетиши экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Демак, бир хато оқибатида иккинчи хато пайдо бўлади. Бир сўз билан айтганда, табиий газнинг ўрнини бошқа нарса босолмайди. Шундай экан, уни исроф қилиш ноинсофлик эмасми?

Энергетика масаласида Ўзбекистон ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат ҳисобланади. Лекин бу табиий имкониятдан хўжасизларча фойдаланиш керак, дегани эмас, назаримда. Ҳозиргидек компьютерлашган даврда мамлакатимизда хўжасизлик туфайли қилинаётган исрофгарчиликларнинг кўплиги бизнинг ожиз томонимиздир. Бир соатлик исроф бир туманнинг бир ойлик газ чиқимига тўғри келади. Бу миллий валютамиз, табиий бойликларимиз кўкка соврилаяпти дегани-ку!

Ривожланган мамлакатларда бу борада аллақачон аниқ хулосага келинган. Тежамкорлик бўлган жойдагина фойда кўпаяди, аслида. Мен фақатгина энергия ресурсларидаги хўжасизлик ҳақида шахсий фикрларимни айтдим. Бошқа соҳаларда ҳам исрофгарчиликлар ҳар қадамда учрайди. Хулоса қилиб айтганда, юртимизда энергия ресурсларидан фойдаланишда илғор давлатлар ютуқларидан андоза олиб, фойда ва зарарни ҳисоб-китоб қилиб турадиган, ҳаққоний таҳлил қила оладиган хўжасизликни ўрганиш маркази очилса, деган таклифим бор. Ана шунда юзлаб эмас, минглаб камчиликларимиз барҳам топиб, юксалиш йўли сари янги қадамлар қўйиларди. Ёш авлод вакиллари исрофгарчиликларни йўқотиб, билим ва тафаккур билан янгиликлар яратишарди.

Муҳаммад ЗИЁЕВ,
Самарқанд вилояти

• Бугуннинг гапи

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ РИВОЖЛАНЯПТИМИ?

Бозор иқтисодиёти шароитида қимматли қоғозлар бозори ривожланмасдан тараққиётга эришиш мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, балиқ сувсиз яшаёлмаганидек иқтисодиёт ҳам қимматли қоғозлар бозори ривожисиз ривожлана олмайди. Қимматли қоғозлар бозори иқтисодиёт ривожи учун инсон танасидаги қондек зарур ва у реал иқтисодиёт тараққиётининг соясидек гавдаланади.

Бозор иқтисодиёти йўлидан бораётган республикамизда ҳам бу тармоқ анча ривож топиб бормоқда. Мамлакатимизда хусусийлаштиришнинг кенг қамровли амалга оширилиши эса бунга юксак замин яратиб берди. Умуман олганда, бугунги кунда Республикамиз қимматли қоғозлар бозорига маблағлар жалб қилиниши кун сайин ошиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон Марказий депозитарийсининг маълумотларига қараганда, 2006 йил 1 январь ҳолатига 2114 та акционерлик компаниялари ҳисобга олинган. Бу даврда шу акционерлик жамиятларининг сони ўтган йил шу вақтдаги кўрсаткичдан 8 фоизга камайган бўлса–да, улар эмиссия қилган қимматли қоғозларнинг номинал қиймати 25,7 фоизга ошиб, миқдор ҳисобига 2,787 трлн.ни ташкил этган. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ҳам 2006 йил бошида ўтган йилгига нисбатан ягона депонентлар базаси бўйича 12,4 фоизга кўпайиб, 1,1 млн. донани ташкил қилган. Шулардан қарийб 97 фоизини жисмоний шахслар ташкил қилган ва уларнинг қўлидаги қимматли қоғозлар мавжуд қимматли қоғозларнинг 19,6 фоизидан иборат бўлган.

Бироқ республикамиз қимматли қоғозлари бозори етарли даражада ривожланяпти, деб айта олмаймиз. Бунинг асосий сабабларидан бири қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг аксарияти бу бозорда пассив ҳаракат қилишаётганидир. Сўзларимизнинг далили сифатида 2005 йил давомида Фонд бозоридаги жами совдолар қийматининг атиги 39,7 фоизи иккиламчи бозорга тўғри келганлигини келтиришимиз мумкин. Бунинг сабабларидан бири эса жуда кўп акциядорлар ўз акцияларига шунчаки бир "қийматга эга қоғоз" сифатида қарашларидадир. Юртдошларимизнинг кўпчилиги, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳоли ҳалигача бу борада етарли даражада тушунчага эга эмас. Демак, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун биринчи ўринда жамият аъзоларининг соҳага қизиқишини орттириш зарур. Бунинг учун жойларда махсус консультатив ўқув марказларини кўпайтириш, сармоядорларнинг қимматли қоғозлар бозорига кириб боришини енгиллаштириш ва уларга баъзи солиқ имтиёзларини жорий қилиш зарур. Бундан ташқари, бу соҳада ахборот айланишини тезлаштириш ва унинг кафолатланганлини кучайтириш каби бир қанча ишларни амалга ошириш керак.

Юқоридаги чора-тадбирларни қўллаш билан биргаликда Республика қимматли қоғозлар бозорини махсус ўрганувчи (инновацион) илмий-тадқиқот институтлар фаолиятини кенгайтириш ва бу соҳага эътиборни кучайтириш зарур. Бу институт қимматли қоғозларнинг биржа ва биржадан ташқарида бўладиган савдоларини ҳар томонлама илмий ўрганиб, бозорнинг келажак тараққиётини амалиёт билан боғлаган ҳолда назария яратиб бериши лозим.

Республикамиз қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда унинг иштирокчиларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун иқтисодиётимизнинг устивор тармоқларига қимматли қоғозлар орқали сармоя киритишни қўллаб-қувватлаш, бунинг учун шу тармоқ қимматли қоғозлардан оладиган даромадни пасайтирилган ставкада солиққа тортиш керак.

Акцияларни сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги фарқдан кўрилган фойдани вақтинча солиқдан бутунлай ёки қисман озод қилиш зарур. Бу нарса қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг янада ривожланишига катта ёрдам бўлиши мумкин.

Акциядорларга акциялари учун дивиденд ҳисобида кейинги эмиссия қилинган акциялар берилиши, улардан даромад солиғини олмаслик ҳам бу соҳанинг ривожланиши учун кенг имкониятлар эшигини очади.

Азамат МАДАМИНОВ,
Тошкент Молия институти катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, “Маърифат” ва “Миллий тикланиш” газеталари ҳамкорлигида ўтказиладиган

“ДАВЛАТ ТИЛИ — ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ”

мавзусидаги иншолар танлови

НИЗОМИ

Ўзбек тили — бой ва жозибадор тил. Асрлар давомида у янада сайқаллашиб келди. Бунда, албатта, буюк ўзбек мутафаккирлари, ёзувчи, шоир ва олимларимизнинг ҳиссаси беқиёс.

Бугун тилимизнинг жаҳон минбарларида янграётгани барчамизга фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этади. Эътиборлиси, юртимизда истиқомат қилаётган бошқа миллатга мансуб кишилар ҳам ўзбек тилини ўз она тилидай севишади ва ардоқлашади. Давлат тилимизни чуқур ўрганиш, тарғиб этиш бизнинг муқаддас вазифаларимиздан биридир.

Ўзбекистонлик бошқа миллат вакиллари қалбида ҳам тилимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни кучайтириш, ўзбек тилини ўрганиш ва ўргатиш, тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, “Маърифат” ҳамда “Миллий тикланиш” газеталари таълим бошқа (ўзбек тилидан бошқа) тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Давлат тили — фахримиз, ғуруримиз” иншолар танловини ўтказади.

I. Умумий қоидалар

1.1 Ўзбек тилини чуқур ўрганишни тарғиб этиш, ёш авлод қалбида тилга бўлган эътибор ва муҳаббатни уйғотиш, уларни ҳар томонлама етук инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшиш танловнинг бош мақсадидир.

1.2 “Давлат тили — фахримиз, ғуруримиз” иншолар танлови (кейинги ўринларда “танлов” дейилади) Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, “Маърифат” ҳамда “Миллий тикланиш” газеталари ҳамкорлигида ўтказилади.

1.3 Мазкур Низом танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини, унда иштирок этадиган ўқувчиларнинг давлат тилини билиш даражасини баҳолаш мезонларини белгилайди.

1.4 Танловда фақат таълим бошқа (ўзбек тилидан бошқа) тилларда олиб бориладиган мактаблар ўқувчилари Низомда кўрсатилган талаблар асосида қатнашиши мумкин.

II. Танловни ўтказиш муддати ва тартиби

2.1 Танлов тўрт босқичда (мактаб, туман, вилоят, республика босқичлари) ўтказилади.

III. Танловнинг I-босқичини ташкил этиш ва ўтказиш

3.1 Танловнинг I-босқичи таълим бошқа (ўзбек тилидан бошқа) тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилади.

3.2 I-босқични ўтказиш учун ташкилий қўмита тузилади. Унинг таркиби қуйидагича бўлади:

— Мактаб директори;

— Бошланғич партия ташкилоти раиси;

— Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари.

3.3 I-босқични ўтказиш муддати — апрел ойининг иккинчи ўн кунлиги.

IV. Танловнинг II-босқичини ташкил этиш ва ўтказиш

4.1 Танловнинг II-босқичи I-босқичда ғолиб бўлган мактаб ўқувчилари орасида ўтказилади.

4.2 II-босқични ўтказиш учун ташкилий қўмита тузилади. Унинг таркиби қуйидагича бўлади:

— Туман халқ таълими бўлими мудири;

— Туман (шаҳар) партия кенгаши раиси;

— Туман халқ таълими бўлими ўзбек тили ва адабиёти фани услубчиси.

4.3 Танловда ғолиблик 3 нафар ўқувчи (1,2,3-ўринлар) бўйича белгиланади.

4.4 Танловнинг II-босқичини ўтказиш учун ҳакамлар ҳайъати тузилади. Унинг таркибига малакали фан ўқитувчилари киритилади. ҳакамлар ҳайъатининг таркиби туман халқ таълими бўлими мудирининг буйруғи билан тасдиқланади.

4,5 II-босқични ўтказиш муддати — май ойининг иккинчи ўн кунлиги.

V. Танловнинг III-босқичини ташкил этиш ва ўтказиш.

5.1 Танловнинг III-босқичи вилоят миқёсида ўтказилади. Унда туман босқичида ғолиб чиққан ўқувчилар иштирок этади.

5.2 III-босқични ўтказиш учун ташкилий қўмита тузилади. Унинг таркиби қуйидагича бўлади:

— Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи;

— Худудий партия кенгаши раиси ёки ўринбосари;

— Вилоят халқ таълими бошқармаси Таълим маркази раҳбари.

5.3 II-босқич ғолиблик 3 нафар ўқувчи (1, 2, 3-ўринлар) бўйича белгиланади.

5.4 III-босқични ўтказиш учун ҳакамлар ҳайъати тузилади ва унинг таркибига илғор фан ўқитувчилари ва ВПҚТМОИ мутахассислари киритилади. Бу вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи буйруғи билан тасдиқланади.

5.5 III-босқич сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилади.

VI. Танловнинг IV-(якунловчи) босқичини ташкил этиш ва ўтказиш

6.1 Якунловчи босқич республика миқёсида ўтказилиб, унда III-босқичда ғолиб деб топилган ўқувчилар иштирок этишади.

6.2 Якунловчи босқичда ҳам ғолиблик 3 нафар ўқувчи (1, 2, 3-ўринлар) бўйича белгиланади.

6.3 IV-босқични ўтказиш учун ташкилий қўмита тузилади. Унинг таркиби қуйидагича бўлади:

— Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг масъул вакили;

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг масъул вакили;

— “Маърифат” газетаси бош муҳаррири;

— “Миллий тикланиш” газетаси бош муҳаррири.

6.4 IV-босқич октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилади.

6.5 Якунловчи босқич ғолиблари номи ўзбек тилига давлат мақоми берилган кун – 21 октябрда эълон қилинади. Ғолиб ўқувчилар иншолари “Маърифат” ва “Миллий тикланиш” газеталарида чоп этилади.

VII. Танловда қўйиладиган талаблар ва баҳолаш мезонлари

7.1 Иштирокчиларнинг танлов шартларини бажариши балларда баҳоланади.

7.2 Иштирокчининг ёзган иншосига қўйиладиган максимал баҳо 100 баллдан иборат бўлиб, қуйидаги кўринишда тақсимланади:

— Хатосиз ёзилгани учун 10 балл

— Фикрларнинг мантиқий баён этилганлиги учун – 25 балл;

— Мавзуга ўзига хос ва янгича услубда ёндошганлиги учун – 25 балл;

— Мустақил фикрлаш тарзи учун – 25 балл;

— Имло хатоларисиз ёзилган ва хуснихат учун – 15 балл

VIII. Танлов ғолиблари ва совриндорларини рағбатлантириш

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

АФСОНАГА АЙЛАНГАН НОМ

Ўзбек миллий санъати дарғаларидан бири Тамарахоним таваллудининг 110 йиллигига бағишланган бадиий кўргазма шундай номланди.

Юбилей муносабати билан Ўзбекистон республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли Тамарахоним Давлат уй-музейи жамоаси ушбу кўргазмани кенг жамоатчиликка таништириш мақсадида 27 март — 7 апрел кунлари Ўзбекистон замонавий санъат марказида намойиш этишди.

Бу санъат даргоҳига кирган ҳар бир инсоннинг қалбида ҳаётга муҳаббат пайдо бўлади. Томошабин қалбида инсон бўлиб дунёга келганига, шу юрт, шу тупроққа дахлдор бўлиб ўсиб-улғайганига шукрона айтиш ҳисси уйғонади. Шунинг ўзиёқ қалбнинг лоқайдлигига қарши тўлқин, ҳаёт сари бошловчи жозибадир.

Тамарахоним... Бу номни санъат ихлосмандлари эҳтиром билан тилга оладилар. Сабаби, бу санъат юлдузининг нафақат республикамизда, балки жаҳоннинг турли мамлакатларида миллий-этнографик ансамбл билан ҳамкорликда ўзбек санъати довруғини ёйишга бутун иқтидори, салоҳияти ва умрини бахшида этганлигини жуда яхши биладилар. Тамарахоним 50 йилдан ортиқ саҳнада эл хизматида бўлди. У ўзга халқлар тили, рақс ҳаракатидаги хусусиятларни ва нозик миллий оҳангларни қалбига сингдириб олгани, ўзбек санъатига бўлган меҳри беқиёслиги боис ҳам одамларнинг қалбига йўл топа олган.

Таниқли санъаткорнинг юбилей тантаналари давом этмоқда. Унинг дастлабки қисми Республика Байналминал маданият марказида ўтказилди.

Замонавий санъат кўргазмасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг бир гуруҳ фаоллари иштирок этишди. Партия Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Хайринисо Мирзажонова сўзга чиқиб, музей раҳбариятига миннатдорчилик билдирди.

Насиба ОЧИЛОВА

• Севги саргузаштлари

Хабиб ТЕМИРОВ
МАКРИМИ Ё ИХАББАТ?

Мана шу ўйлар таъсирида калаванинг учини Одил Маҳкамовдан излашга қарор қилдим. Меҳри воқеаси билан боғлиқ жиноят ишини ўрганиш чоғида унинг таржимаи ҳолини ҳам ёзиб олгандим. Ўшани такроран, синчиклаб ўрганишга киришдим.

«Одил Маҳкамов. 1972 йилда туғилган. Муқаддам судланмаган. Болалар уйида тарбияланган. Олимпия заҳиралари спорт мактаб-интернатида ўқиган. Афғонистонда ҳарбий хизматда бўлган. Армиядан қайтгач, автомашиналар таъмирлаш устахонасида ишлаган. Иқтисодиёт институтида сиртдан ўқиган. Уйланмаган. Кимё заводи ишчилар ётоқхонасида яшаган... Спортнинг бокс, каратэ турлари билан шуғулланган...» «Жасур Муродов Одил Маҳкамов билан машинасини тузатиш чоғида танишади. Унга «бир кишини «гум» қилиш керак, яхши ҳақ тўлайман», дейди. Маҳкамов рози бўлади...»

Кейинги тафсилотларнинг зарурати йўқ. Муҳими — Одил Маҳкамовнинг ҳаёт йўли аксар жиноятчиларникига айнан ўхшашлигида. Ота-онасиз ўсиш, болалар уйи, спорт мактаби, Афғонистон, қўл учидаги тирикчилик... Уни қотилликка олиб борган йўл, муҳит менга яхши таниш. Меҳрга тўймай, меҳрдан беғона ўсган, бунинг устига спортнинг шафқатсиз тури билан шуғулланган, Афғонда жанг қилиб, дийдаси қотган йигитнинг қонли жиноятдан ўзини тия олмаганига ажабланганим йўқ. Шунга қарамасдан доим ўйлайман: Наҳотки, инсон муҳитнинг қуллигини енголмайди. Ахир... парвардигор ҳар бир одамнинг лойига, қонига эзгулик уруғини қўшиб қорган-ку?.. Шундай... Лекин... қаердадир ўқигандим: «Ҳар қандай жиноятчи жиноятга қўл ураётганида ўзини ҳақ, деб ҳисобларкан. Шу билан ноҳақликка қарши курашаяпман, деб ўйларкан. Бойни ўлдириб молини талаган ўғри, «Мен ўзимнинг, ўзимга ўхшаганларнинг ҳалол насибасини қайтариб олаяпман», деркан. Бемаънилик эмасми бу? Адолат, ҳақиқатнинг ҳамма учун бир хил мезонлари бор-ку! Лекин афсуски, бу мезонларни ҳамма бир хилда «тўғри», деб қабул қилмайди. Нега шундай? Чунки агар ҳамма ҳақиқат ва адолат мезонларига бирдек амал қилса, дунёда бойу камбағал, ўғрию тўғри, деган бўлинишлар бўлмасди, балким. Дунёнинг нотекислиги, кемтиклиги шунда бўлса керак...

Меҳри билан суҳбатларимиз баробарида лоақал бирор марта Одил ҳақида гап очилмаганини афсус билан хотирамга келтирдим. Нега эсламаганмиз уни? Меҳрининг кўнглини оғритгим, дардини янгилагим келмагани учунми? Ўшанда... суд чоғида темир панжара ортида ҳам Одил томонга қарамаганини эслайман. Холбуки, Одил дафъатан қараган киши нигоҳини узолмай қоладиган даражада кўркам, хушбичим ва хушқомат йигит эди. Гавдаси спортчиларга хос тик ва таранг, мушти гурзидек. Пешонаси дўнг, малла сочлари тиғиз ва тикка. Юзлари оқ-қизил ва серсоқол. Мен уни биринчи бор кўрганимдаёқ «онасими ё отасими бошқа миллатдан бўлса керак, шу боис мана шунақа суяги бузуқ, паҳлавон келбатли туғилган», деб ўйладим. Кейин савол-жавоблар пайтида маълум бўлдики, ота-онаси Барқут туманидаги тоғли Барлос қишлоғидан экан. Улар чўпонлик қилишган. Қишда кўчки остида қолиб ҳалок бўлишгандан кейин ёлғиз ўғил болалар уйига топширилган. Демак, Одилнинг қорувли гавдаси тоғлик экани билан боғлиқ. Қолган қусурлари эса кейинги тарбиянинг нокомиллигидан...

Одил эса... ўшанда Меҳрига ўқтин-ўқтин қараб қўяр, кейин негадир бошини чайқаб-чайқаб, чуқур «ух» тортарди. Эҳтимол бунинг маъноси: «шундай аёлни жувонмарг қилдим-а», дегани бўлса керак. Шу билан биргаликда уни Меҳрига маҳлиё бўлиб, ҳавас ҳамда иштиёқ кўзи билан қараётир, дейиш кулгили бўлар эди. Суд чоғида ҳоҳ ҳавасга бало борми? Янаям ким билади, дейсиз?..

Хўш, энди нима қилсам, Одил Маҳкамовнинг кейинги тақдири ҳақида қаердан, кимдан суриштирсам экан? Абдували... йўқ. Прокуратурадан бирон маълумот олишнинг иложи бўлмаяпти. Ички ишлар вазирлигининг ахлоқ тузатиш муассасалари бошқармасидагилар ёрдам қилишармикан? Ҳар қалай бир уриниб кўриш керак...

Хизматхонамдаги телефонлар китобидан керакли рақамни топиб, телефон гўшагига қўл узатаётганимда телефон безовта жиринглади. Олдим. Меҳри экан. Суюндим.

— Жўнаб кетмабсиз-да, — дедим, «Яхши қилибсиз», деган оҳангда.

— Қўйишмаяпти-ку!

— Ие, нега қўйишмаяпти? Ким қўймайди?

— Прокуратура.

— Нима учун?

— Суд бўлар экан. Ўшанда қатнашар эмишман.

— Суд? Ким устидан? Сиз... нега қатнашар экансиз?

— Гувоҳ тариқасида.

— Қанақа суд? Қачон?

— Яқинда... Ҳукм аканинг ҳақиқий қотиллари устидан.

— Нима?.. Ким экан ўшалар?..

— Телефонда... ноқулай. Вақтингиз бўлса... хиёбонга чиқинг. Ўша ерда... гаплашамиз.

— Ҳозирми?

— Ҳа.

— Бўпти! Беш дақиқадан сўнг ўша ерда бўламан.

Хиёбонга бамисоли қуш бўлиб учиб бордим. Меҳри таниш арғувон пойида турар ва у... ёлғиз эмасди. Ёнида мен бугун исмини илк бор тилга олган, ўша биринчи суд чоғида йигирма йилга кесилган, кейинроқ Абдували «қамоқдан қочибди, деган йигит — Одил Маҳкамов турарди. Мен ҳайратдан суратдек қотдим. Ҳолатимни Меҳри ҳам, Одил Маҳкамов ҳам сезди.

— Қўрқманг, қуролим йўқ! — деди йигит ҳазил оҳангида ва гурзидек муштини ёзиб қўлини узатди: — Ассалому алайкум!

Мен унинг саломига алик олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай, иккиланиб қолдим. Нажот излаб Меҳрига қарадим. У қулиб турарди. Мен йигит билан қўл олишдим.

(Давоми келгуси сонда)

(Боши ўтган сонларда)

• Изланиш

Бўш вақти бўлмаган ТАЛАБАЛАР

Халқ таълими тажрибасидан маълумки, амалий машғулотлар, синфдан ташқари тўгараклар, суҳбат ва саёҳатлар жараёнида олиб бориладиган машғулотлар самарадорлиги юқори бўлади. Демак, бундай дарсларни, айниқса, педагогика коллежларида намунали ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Биз Самарқанд шаҳридаги узоқ тарихга эга (бир пайтлар хотин-қизлар педагогика билим юрти деб номланган) пойдевори мустаҳкам илмгоҳлардан бири — 1-педагогика коллежида бўлганимизда, худди ана шу жиҳатга жиддий эътибор қаратилаётганига шоҳид бўлдик.

— Билим масканимизда минг нафардан зиёд ёшлар таълим-тарбия олади, — дейди коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Ҳанифа Маҳаддинова. — Улар 95 фоиз синфдан ташқари машғулотларга жалб этилган ва барча тўгаракларда малакали ўқитувчиларимиз аниқ дастурлар асосида иш олиб боришмоқда. «Мўйлақам соҳиблари», «Моҳир қўллар», «Ёш иқтидорлар»,«Увайсий издошлари»,"-Миллий кураш" сингари тўгаракларга қатнашувчилар кўпчиликни ташкил этмоқда. Бу, албатта, ўғил-қизларимизнинг қизиқишлари, янгиликка, изланувчанликка интилишлари кучли эканидан далолат беради.

Устоз Ханифа Маҳаддинованинг фикрлари асосли эканлигини тўгараклар ўтадиган хоналарни кўздан кечириб, талабалар қўли билан ясалган ва тўқилган буюмларни кўриб, санъатда, спортда эришилган ютуқларнинг гувоҳи бўлиб англадик. Илмгоҳда талабалар, асосан, қизлардан иборат. Шу боис ютуқлар ҳам кўпроқ уларнинг номлари билан боғлиқ. «Хумор» ашула ва рақс дастаси аъзолари ҳам асосан қизлардан ташкил топган. Ансамбл бадиий раҳбари Рустам Қодиров, рақсларни саҳналаштирувчи Зулхумор Ҳасановалар жонбозлиги билан «Хумор»нинг қизлари элга танилди. Улар вилоят, республика миқёсидагина эмас, халқаро саҳналарда ҳам олқишларга сазовор бўлишмоқда. Самарқандда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали очилиш тантаналарида уларнинг чиқишлари меҳмонларга манзур бўлмоқда.

— Миллатнинг келажагини соғлом авлод билангина тасаввур этиш мумкин. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз ёш авлод тарбиясида спортнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлайдилар,— дейди коллеж директори Исроил Акобиров.— «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун, «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг юқори савияда ўтказиб келинаётганлиги ва яна бир қатор амалий тадбирлар мамлакатимизда спортнинг давлат аҳамиятидаги эътиборга кўтарилганидан далолатдир. Демак, биз ўқув даргоҳларида жисмоний маданиятнинг юксалишига масъулмиз. Айниқса, узоқ даврлар камситилиб келинган, оғир меҳнатга қориштириб юборилган хотин-қизларимизни бу соҳага жалб этишда тинмай қайғуришимиз керак. Улар соғлом бўлса, авлод баркамол бўлишини унутишга асло ҳаққимиз йўқ. Бугина эмас, бўлғуси ўқитувчилар онгига ҳам спорт келажакка йўлловчи олтин поғона эканлигини сингдиришимиз зарур.

Суратларда: Коллеж талабалари ҳаётидан лавҳалар.

Дарҳақиқат, спортда яхши натижаларга эришиш учун, аввало, шароит зарур. Шу пайтга қадар ушбу коллеж эски, спорт билан шуғулланиш имкониятларига эга бўлмаган бинода жойлашган эди. Ўтган йили собиқ Педагогика институтининг жисмоний тарбия факултети жойлашган биносига кўчиб ўтди. Ҳозирги шароит яхши. Талабалар эса қисқа вақт ичида спортда нималарга қодир эканликларини кўрсатишди. Илмгоҳ жисмоний тарбия раҳбари Норбек Мамадиёров тақдим этган маълумотларга кўра «Баркамол авлод» мусобақаларида қизлар командаси енгил атлетика ва волейбол бўйича шаҳарда биринчи ўринни олишди. Полвон қизимиз Наргиза Арзиқулова республика чемпионатида фахрли III ўринни эгаллаган. 500—1000 метрга югуриш бўйича Содиқова Нодира, Раҳмонова Дилшодалардан ўзадиганлар топилмаган. Баванова Феруза эса шахмат бўйича қизлар спартакиадасида ғолиб бўлди. Ўтган йили 25—30 май кунлари Фарғона шаҳрида ўтказилган қизлар ўртасида камондан ўқ отиш бўйича Ўзбекистон чемпионатида қатнашган Ситора Нурманова II ўринни эгаллаган. Бундай қувончли мисоллар кўп. Янада қувончлиси шуки, келгусида бу билимгоҳдан кўплаб таниқли спортчилар чиқишига шубҳа йўқ. Коллеж учун қурилиши бошланган янги, замонавий лойиҳадаги бино ҳам айнан шу ерда барпо этиладиган бўлди.

Хуллас, бўлғуси ўқитувчилар сабоқ олаётган вилоятдаги намунали коллежлардан бири ҳисобланган ушбу илмгоҳда синфдан ташқари машғулотлар намунали ташкил этилган. Фаолият юритаётган 30 та фан тўгараги, қатор клублар, дорилфунунлар, бадиий ва миллий гуруҳларнинг ҳар бир эришилаётган ютуқлари тўғрисида самимий фикрлар билдириш мумкин. Бу эса қайси жамоада изланувчанлик, фидойилик, жонкуярлик бўлса, ўша ерда ютуқларга эришиш муқаррарлигидан далолат беради.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

ҲОРДИҚ МАНЗИЛИ

Миллий тиклаиш — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH
Ўзбекистон "Миллий тиклаиш" демократик партиясининг ijtimoiy, iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy gazetasi

БУЮКЛАР МУҲАББАТИ

Фавқулодда истеъдод соҳиблари ҳамиша атрофдаги инсонларга қараганда бошқачароқ бўлишади. Уларнинг туйғулари ҳам бошқаларникига ўхшамайди. Гарчи бундай «бошқачалик» билан ҳис-туйғуларини ҳамиша ҳам билдиравермайдиган, таъбир жоиз бўлса, совуқроқ одамлар билан муроса қилиб яшаш қийин бўлса-да, бундай ҳислар-нинг завқини фақат «бошқача» одамларгина англай оладилар.

Замондошларининг хотирлашича, машҳур бастакор Людовик ван Бетховен ўта нозиктаъб, назокатли инсон бўлган экан. Бастакорнинг яқин дўстларидан бири «Бетховен бутун умр бокира ҳислар оғушида яшаб ўтди», деб ёзган эди.

Ўттиз бир ёшида анча танилиб қолган бастакор Жульетта Гвиччарди исмли қизга кўнгил берди. «Ойдин соната» айнан шу муҳаббатнинг меваси эди. Дўстига бир мактубида Бетховен шундай ёзган эди: «Менга яшаш бунчалар завқ-шавқ бағишламаган эди. Одамларга қўшилиб қолдим. Ҳаётимдаги бу ўзгаришлар фақат гўзал суюклигим шарофатидандир. Мен уни жонимдан ортиқ кўраман, у ҳам мени севади. Сўнгги йилларда ҳеч қачон ўзимни шунчалик бахтли сезмаган эдим!»

Бироқ серхарҳаша, тантиқ, такаббур Жульетта бастакорнинг камбағал оиладан эканлиги, қулоғи оғирлигини юзига солди. Орадан кўп ўтмай, Жульетта турмушга чиқди. Бу воқеадан Бетховен ларзага келди. Унинг учун ҳаёт маъносини йўқотди. Бироқ метин иродаси бу тенгсиз ҳижрон ҳасратларини енга олди. У ўзини яна ижодга урди...

Орадан йиллар ўтди. Бетховен 1806 йилда Тереза фон Брунсвикка кўнгил қўйди. Тереза бастакорни болалик чоғларидан — ундан фортепианодан сабоқ олган давридан севарди. Бетховен қизнинг акаси граф Франц билан дўст эди.

Терезага кўнгил қўйган даврларида бастакор ижоди, айниқса, гуллаб-яшнади. У машҳур Тўртинчи симфониясини ёзиб тугатди. Бетховеннинг яна ҳаётга муҳаббати ортди, у яна хушчақчақ, қувноқ, меҳрибон бўлиб қолди.

Бироқ ҳозиргача номаълум бўлиб қолган сабабларга кўра, бу севги ҳам бахтсизлик билан тугади. Улар бирга бўла олмадилар. Тереза бастакорни умрининг охиригача унутмади, унинг ўлмас куйлари, хаёли билан яшади.

Тереза Людовикка тақдим этган портрети ҳошиясига «Ноёб даҳо, буюк санъаткор, меҳрибон инсонга», деб ёзилган эди. Бетховен бу суратни ҳаётининг сўнгги кунларигача ёнида олиб юрди...

Гўзалликни ҳис қила билган инсон, унинг қадрига ҳам ета олади. Гўзалликнинг, тоза ҳисларнинг қошида тиз чўка олиш учун ҳам инсонга айнан юқорида таъкидланган «бошқачалик» керакдир, балки. Бутун умр қалбида покиза туйғуларни асрай билган, ҳамиша севгига ташна яшаган буюк истеъдоднинг ўша «бошқача» ҳислари, туйғулари такрорланмас, гўзал асарларига кўчган бўлса, не ажаб?

Зумрад ВАҲОБОВА тайёрлади

ТАНСОҚЧИ ОНА

Валентина Зоркина эллик ёшга кирганда каратэ билан шуғулланишга қарор қилди. Бунга унинг 22 ёшли ўғлига маҳаллий безорилар кун бермагани сабаб бўлди. Валентина шоядки ўғлим мендан ўрнак олиб безорилардан ўзини ҳимоя қила олса, деганди.

Унинг ўғли ўта ювош, раҳмдил бўлиб, кўчага чиқди дегунча безорилардан калтак еб қайтарди. Зоркинлар Пенза шаҳрининг бошқа туманларига ҳам кўчиб кўришди. Аммо натижа ўзгармади.

— Бир куни мен ўғлимга ахлат тўкиб келишни буюрдим,— деб ҳикоя қилади Валентина. — Орадан анча фурсат ўтса ҳамки, ундан дарак бўлмади. Уни излаб кўчага чиққанимда, ўғлим бақувват бир безорини елкасида кўтариб юрарди.

Ўғлининг шунчалик азоб чекишини кўриб чидолмаган она охири бу муаммодан қутулишнинг чорасини топмоқчи бўлди. Эртасигаёқ спорт клубига борди ва каратэнинг ўзини ҳимоя қилишда қўлланиладиган асосий усулларини ўргана бошлади.

Унинг асл мақсади шоядки ўғлим мендан ибрат олса, деган истак эди. Аммо бу ювош йигитча бировни шунчаки ҳазиллашиб туртишдан ҳам чўчирди.

Аввалига ўғлига ибрат бўламан, деб клубга борган Велентина бу спорт турига шунчалик берилиб кетдики, машғулотларга мунтазам равишда қатнай бошлади. Бу билан унинг саломатлиги тикланди, қон босими ҳам меъёрлашди. Энг муҳими, энди оққўнгил ўғилчасининг тансоқчиси бор эди. Ўғлини қийнаётган бир безорига спорт билан мунтазам шуғулланадиган она томонидан берилган зарбадан сўнг безорилар ҳам Зоркинлар билан сал ўйлаб муомала қиладиган бўлишди.

Биласизми?

АЁЛЛАР ТАНАСИДА ҚАНЧА ОЛТИН БОР?

Бекорга эркаклар аёлларни «олтиним» деб эркаламас эканлар. Чунки олимларнинг аниқлашича, аёлларнинг организмида эркаклар организмига қараганда 6 марта олтин миқдори кўп экан. Аммо бу билан улар мақтаниша олмайдилар, чунки захарли симоб миқдори ҳам уларда эркакларга нисбатан 6 марта кўп экан.

Халқаро воқеалар

«ИТТИФОҚ» — ПРОДИ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Италия парламенти қуйи палатасига ўтказилган сайловларда Романо Продининг «Иттифоқ» коалицияси ғалаба қозонди — уни сайловчиларнинг 49,8 % и қўллаб-қувватлаган. Силвио Берлускони коалицияси эса 49,73 % сайловчи овозини тўплашга муваффақ бўлган.

Юқори палата — Сенатга ўтказилган сайловларнинг расмий натижалари ҳозирча маълум эмас. Жойлардан олинган маълумотларга қараганда, Сенат сайловларида Силвио Берлусконининг «Озодлик уйлари» коалицияси — 50,2% (бу коалиция таркибига кирадиган, С.Берлускони раҳбарлик қиладиган «Олға, Италия!» партияси 24 % овоз олган), «Иттифоқ» коалицияси эса — 48,95 % овоз тўплаган. Бу рақамлар сайловлар тугаганидан 12 соат ўтганидан сўнг Италия Ички ишлар вазирлиги томонидан эълон қилинган.

Аммо ҳозирча чет элда яшовчи италияликлар овозлари ҳисоблаб чиқилмаган — улар олти нафар сенаторни танлаши керак.

Қуйи палата сайловларида зафар қучган Романо Проди тарафдорлари тўпланган майдонга чиқиб, уларни ғалаба билан табриклади. «Биз ютдик. Энди эса дастурни амалга ошириш учун, мамлакатни бирлаштириш учун дарҳол ишлашни бошлашимиз керак», деди Романо Проди сайловлар Италияда бўлиниш мавжудлигини кўрсатганлигини таъкидлаган ҳолда.

«Биз баённоларни текшириб чиқишни талаб қиламиз», дея маълум қилган С.Берлусконинг расмий вакили.

АРИЭЛ ШАРОН «ДОИМИЙ РАВИШДА МУОМАЛАГА ЛАЁҚАТСИЗ» ДЕБ ТОПИЛАДИ

Исроил бош вазири Ариэл Шарон касаллиги бошланганидан 100 кун ўтганлиги сабабли «доимий равишда муомалага лаёқатсиз» деб топилади.

Унинг ўрнини Ариэл Шарон касалхонага жойлаштирилганидан буён Вазирлар маҳкамасига раҳбарлик қилиб келаётган Эхуд Олмерт эгаллайди, яъни ҳукуматда, умуман олганда, катта ўзгариш бўлмайди.

Расмий равишда бу 100 кунлик 14 апрелда тугаши керак, аммо адлия вазирлиги бу жараённи яҳудий пасхаси бошлангунича — 12 апрелга қадар ўтказмоқчи. Агарда бош вазирнинг соғлиғи сезиларли даражада яхшиланмаса, жума кунига қадар муомалага лаёқатсизлик ҳолати шартли равишда кучга кирган ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, 78 ёшлик Ариэл Шарон 4 январ куни «инсульт» диагнози билан касалхонага жойлаштирган ва шундан буён саккиз марта операция қилинганди. У ҳозирга қадар кома ҳолатида. Шифокорлар бош вазирнинг тузалиб кетишига кам ишонч билдиришмоқда.

ФРАНЦУЗ ТАЛАБАЛАРИ НАМОЙИШЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШМОҚДА

Франция ҳукумати «биринчи марта ёллаш шартномаси»ни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилган бўлса-да, бу ҳужжат «душманлари» намойишларни тўхтатиш ниятида эмаслар. Улар эндиликда ҳукуматнинг ишчи бозорини ривожлантиришга қаратилган бошқа қарорларига қарши намойишлар ўтказишмоқчи.

UNL лицейчилар касаба уюшмаси етакчиси Карл Стекелнинг сўзларига қараганда, Бош вазир биринчи марта ёллаш шартномаси бўйича йўл қўйган хатосини тан олди, энди эса у «янги ходимларни ёллаш шартномаси» ва имкониятларнинг тенглиги ҳақидаги қонун юзасидан ҳам хато қилганлигини тан олиши керак.

Тулуза, Лимож, Руан, Лилл университетларида талабалар ўқув жараёнларини тўхтатиб, биноларни тўсиб қўйишган.

Бош вазир Доминик де Вилпен душанба куни телевидение орқали қилган чиқишида «биринчи марта ёллаш шартномаси»нинг жамоатчилик томонидан тўғри қабул қилинмаганлигидан афсусда эканини билдирган. «Мен беқарорликка қарши кураш қуролига айланиши мумкин бўлган «биринчи марта ёллаш шартномаси»нинг жамоатчилик назарида шу беқарорлик нишонаси сифатида намоён бўлганидан афсусдаман, амалда эса бу шартнома ёшлар учун ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш имконини берарди», деган бош вазир ўз чиқишида.

САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Украина парламентига ўтказилган сайловларнинг расмий натижалари эълон қилинди. Эндиликда Радада бешта сиёсий куч фаолият кўрсатади: «Регионлар» партияси, Юлия Тимошенко блоки, «Наша Украина» блоки, Социалистлар ва Коммунистлар партиялари.

«Интерфакс» хабарига қараганда, душанба куни пойтахт Киевда Маркий сайлов комиссияси ўтказилган парламент сайловларининг расмий натижаларини эълон қилди.

Унда «Регионлар» партияси учун 32,14 %, Юлия Тимошенко блокига — 22,29 %, «Наша Украина» блокига — 13,95 %, Соцпартияга — 5,69 % ва Компартияга — 3,66 % сайловчилар овоз беришган.

Қолган сиёсий кучлар 3 % лик тўсиқни енгиб ўтиша олмаган. Жами бўлиб ушбу сайловларда 45 та партия ва сиёсий блоклар иштирок этишганди. Сайловчиларнинг 1,77 % ҳеч бир партияни қўллаб-қувватлашмаган.

Шу билан биргаликда, баъзи сиёсий бирлашмалар натижаларни судда қайта кўриб чиқишни талаб қилишмоқда.

Интернет хабарлари асосида Али БОЙ тайёрлади

СПОРТ ОЛАМИДА

Футбол

Муҳим учрашувлар



Бугун Осиё Чемпионлар лигаси гуруҳ учрашувларининг 3-тур ўйинлари бўлиб ўтади. Мазкур мусобақада иштирок этаётган юртимизнинг икки: «Пахтакор» ва «Машъал» жамоалари ҳам ўзларининг навбатдаги учрашувларини ўтказишади.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида Эрон чемпиони «Фулад»ни қабул қилади. Эронликлар икки тур натижасига кўра, «А» гуруҳининг пешқадами бўлиб туришибди. Валерий Непомняший шогирдлари улардан бир очко кам жамғарган ҳолда иккинчи поғонадан ўрин эгаллашган. Ушбу масъулиятли ўйинда пахтакорчилар ғалаба қозона олсалар, гуруҳнинг якка ҳокими бўлишлари турган гап. Лекин эронликлар ҳам бўш ўйин кўрсатадиган жамоалардан эмас.

Муборакнинг «Машъал»и Саудия Арабистонига сафар қилади. Виктор Жалилов шогирдларини у ерда мамлакат чемпиони ва кубоги соҳиби «Ал-Ҳилол» жамоаси кутиб турибди. Бу йил Осиё Чемпионлар лигасида дебют қилишларига қарамай, «газчи»лар кўпчилик учун кутилмаган ажойиб ўйинларни намойиш этмоқдалар. Лекин бугунги ўйин «Машъал» жамоаси учун ҳақиқий синов вазифасини ўташи мумкин. Эслатиб ўтамиз, «В» гуруҳида «Машъал» тўрт очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган жамоаларга бугунги муҳим учрашувларда фақат ғалаба тилаймиз.

Теннис

Ғалаба давом этсин!

Пойтахтимиз теннис кортларида Дэвис кубоги доирасидаги Ўзбекистон-Хитой учрашувлари бўлиб ўтди ва унда теннисчиларимиз муваффақият қозондилар.

Дэвис кубоги мусобақаларида доимо яхши натижа кўрсатиб келаётган вакилларимиз, ҳар йили 16 кучли жамоалар сафига киришга ҳаракат қиладилар. Бу йил ҳам шу мақсад йўлида курашга тайёр теннисчиларимизга хитойлик теннис усталари рақиб бўлдилар.

Ҳар бир спорт турида авлодлар алмашинуви содир бўлади. Кўп йиллар юртимиз шарафини ҳимоя қилиб келган Олег Огородов, Вадим Куценко бугун спортда ёшлари «ўтиб» қолди. Уларнинг издошлари Денис Истомин, Сарвар Икромов каби моҳир, ёш теннисчиларимиз «ака»ларининг ғалабаларини давом эттиришга интилмоқдалар. Вакилларимиз навбатдаги учрашувда Ҳиндистон вакиллари билан куч синашадилар.



С.ШОШИЙ тайёрлади

Мучалингиз нима?

Агар мучалингиз

Сичқон *бўлса, сиз табиатан сахийсиз, ўз имкониятингиз даражасини яхши билмаган ҳолда ҳар нарсага қодирман, деб ўйлайверасиз. Сизга атрофдагилар доим эътибор беришларини хоҳлайсиз.*
Бироз хаёлпараст, ҳиссиётларга берилувчансиз.

***

Сигир *мучалида туғилган бўлсангиз, сиз нозик дидли ва ўта босиқсиз. Ҳар қандай ҳолатга осон кўникасиз.*
Ёлғизликни ёқтирмайсиз.
Ўзингизга қийинчилик туғдирадиган муаммоларнинг ёнидан айланиб ўтишга ҳаракат қиласиз.

***

Йўлбарс *мучали соҳиби бўлсангиз, сиз ўта қатъиятлисиз, ўзингизнинг қадрингизни яхши биласиз.*
Қийинчиликлар олдида довдираб қолмайсиз.

***

Қуён *мучаллилар, сиз мулойимсиз. Доим тақдирга тан берасиз, ўта таъсирчансиз, кўпинча тушкунликка тушиб юрасиз.*

***

Балиқ *мучалида туғилган бўлсангиз, сизда узоқни кўра билиш қобилияти кучли.*
Ўзингизни ўзингиз танқид қилиб турасиз, кўпинча тўғрисўзлигингиз ўзингизга панд беради.

***

Илон *мучалида туғилган бўлсангиз, сизнинг табиатингиз сирли жумбоқларга тўла.*
Ориятлисиз ва бироз айёрсиз. Сизга дўст бўлганларга ҳар доим хушёр юришларини тавсия қиламиз.

***

От *мучалида бўлсангиз, оғир-босиқсиз, сиздан яхшигина дўст чиқади, сир сақлашда сизга тенг келадигани йўқ.*

***

Қўй *мучалида бўлсангиз, сабр борасида сизга тенг келадигани йўқ. Қўлингиз жуда очиқ, камтарсиз. Ҳазилкашсиз, атрофдагилар билан тез чиқиша оласиз.*

***

Маймун *мучалида бўлсангиз, сиз хаёл суришни яхши кўрасиз. Атрофдагиларга меҳрибонсиз.*

***

Товуқ *мучалида бўлсангиз, сиз ўта самимийсиз. Кўп ҳолларда ўзингизга ишонмайсиз. Фикрингиз тез ўзгаради, беқарорсиз.*

***

Ит *мучалида туғилган бўлсангиз, сиз меҳр-оқибат, садоқат борасида тенгсизсиз. Доим келажакка умид боғлаб, интилиб яшайсиз.*

***

Тўнгиз *мучалида бўлсангиз, сиз бошқаларга ўз таъсирингизни ўтказишни хоҳлайсиз. Севган касбингизга бутун вужудингиз билан шўнгийсиз.*

БИР ЧИМДИМ КУЛГИ

Маҳбус университет талабасидан қандай фарқланади?

— Маҳбусни муддатидан аввал озодликка чиқаришлари мумкин.

***

Эр-хотин ажрашишяпти. Эркак судьядан сўради:

— Ўртоқ судья, оила ойига 4 минг сўм эвазига яшай олиши мумкинми?

— Мумкин.

— Ана, манави хотиним эса худонинг берган куни: "Бор, ишла, ишла", дегани-деган.

***

БАРМОҚ ИЗЛАРИНГИЗНИ ҚОЛДИРИНГ

Жиноят қидирув бўлими бошлиғининг котибаси меҳмонга деди:

— Бошлиқ, афсуски, ҳозир йўқлар. Аммо сиз бармоқ изларингизни қолдириб кетишингиз мумкин.

***

Йигит юз долларлик қоғоз пулни валюта айирбошлаш бўлимида алмаштириб бўлганди, беихтиёр ундан ҳисобчи қиз сўради:

— Кечирасиз, қўлингиздаги доллар негадир ғалати, ясама эмасмикан?

— Буни менга ўзингиз бердингиз-ку!

— Қаранг, айтдим-а, юзи таниш туюлянти, деб...

***

Икки нотаниш киши телефонда келишиб олишянти:

— Истироҳат боғи олдида учрашамиз, эртага соат 5 да ўша ерда кутиб туринг. Кўринишингиз қанақа бўлади?

— Ёмон.

Киндиксиз чақалоқ

Ол-а!

Олга Бичкова ҳомиладор бўлган вақтда шифокорлар уни текшириб кўришиб, фарзандининг боши иккиталигини ва зудлик билан ҳомилани олиб ташлаш кераклигини айтишди. Олга биринчи ҳомиласини олдириб ташласа, кейин она бўлолмай қолишдан қўрқиб, рози бўлмади ва тақдирга тан беришга қарор қилди.

Ниҳоят, она бўлиш вақти-соати етиб келди. Шифокорларнинг хавотири ўринсиз бўлиб чиқди. Боланинг боши битта, аммо, қувонишга ҳали эрта эди. Чунки, чақалоқ киндиксиз туғилганди. УЗИ ташхисларида боланинг боши бўлиб кўринган нарса, ташқарига чиққан ичак экан. Унинг қорин қисмида каттагина тирқиш бор эди. Олга буни кўрди-ю, ҳушидан кетди.

Шифокорлар қандай қилиб бўлса ҳам чақалоқнинг жонини омон сақлаб қолишни ўйлардилар. Чўқанинг юрагидан қоплама тайёрлашиб, боланинг қорнини тикишди. Жарроҳлик қарийб тўрт соат давом этди. Ҳозирда бола соғлом, унинг ёши олтида, исми Кирюша.

Шифокорларнинг фикрича, бу камёб ҳодиса бўлиб, бундай жарроҳлик биринчи марта Германияда қилинган экан.

Нима бўлганда ҳам, Олга оналик бахтидан масрур. «Ўғлим Одам Атога ўхшайди, Одам Атонинг ҳам киндиги бўлмаган», деб эркалатади у. Кирюшани эса яна бир оғир синов кутиб турибди. Унинг қорнига тикилган ямоқ тери билан бирга ўсмас экан-да.

Хориж матбуотидан олинди

Г.В. Плеханов номли Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси иқтисод фанлари доктори

Бобониёз Муртазаевнинг

бевақт вафоти муносабати билан унинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тиклаиш — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH
Ўзбекистон "Миллий тиклаиш" демократик партиясининг ijtimoiy, iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80,
реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 623.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2146
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00